



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 16 август, № 169 (7127) • Пайшанба

Сайтимида ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишдаги мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш ишбилармонлик фаоллигининг ўсишига, иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга инвестицияларни жалб этишга тўқсизлик қилаётган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Мазмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5495-сонли Фармониغا мувофиқ:

а) 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда:

қийлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада қўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-қўнғолочар мажмуалар, машиный хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

(Давоми 2-бетда).

ТОҶИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Тоҷикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон 2018 йил 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон — Тоҷикистон мулоқотининг давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 9-10 март кунлари Тоҷикистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг, унга узоқ муддатли ва кенг қўламли тус беришнинг устувор йўналишларини белгилаб оладилар.

Ўзбекистон ва Тоҷикистон раҳбарлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўпلامини имзолаш режалаштирилмоқда.

Тоҷикистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи дастуридан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов билан учрашувлар ўтказиш, Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш ҳам жой олган.

Ў.А.



Қорақалпоғистон Республикаси: Қутлуғ қадамнинг ҳаётбахш натижалари

2017 йил 21 январь. Бу кун қорақалпоғистонликлар ҳаётида янги даврни бошлаб берган улкан воқелик сифатида тарихга кирди. Шавкат Мирзиёев Президент сифатида ўз вазифасига киришганидан сўнг ilk сафарини айнан Қорақалпоғистон Республикасидан бошлади.

Бунга бир қатор сабаб ва омиллар мавжуд эди. Орол денгизининг қуриши, оқибатда йиллар давомида минтақада қўламлининг кучайиши қорақалпоқ халқининг турмуш тарзига ҳам ўзининг аянчи таъсирини кўрсатмай қолмади. Ичимлик суви танқислиги, ишсизлик, қорвачилик ва деҳқончиликдаги ноқулай шароит, йўллар, мактаблар, шифохоналарнинг абгор ҳолати... Аҳоли ҳаётининг барча жабҳасида илдириш отган бу муаммолар Қорақалпоғистонда ўта мураккаб ва танг вазиятни вужудга

келтиргандики, улар кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар қўллашни талаб этарди.

Ушунда давлатимиз раҳбари оддий одамлар хонадонига кириб бориб, уларнинг дарду таъшишларини тинглади. Совуқ, хароба аҳволдаги шифохоналарда беморлар билан суҳбатлашди. Гапнинг рости, ўша кезлари бу ташриф жараёнини телевизор орқали кузатган нафақат қорақалпоғистонликлар, балки бутун халқимиз катта хайрат ва ҳаяжонга тушганди. Бунақаб ва танг вазиятни вужудга

Шундан сўнг Президентимиз топшириғи билан Қорақалпоғистонда халқни қийнаб келётган масалалар ечимига доир, янги-янги иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, қисқача айтганда, бу ерда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга жиддий киришилди, комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур "Йўл харитаси"ни амалга ошириш учун мамлакатдаги барча вазирлик ва идоралар, республика ташкилотлари, банклар Орол бўйига жалб этилди. Бир неча юз миллиард сўмлик лойиҳалар ижроси бошланди.

Орадан, мана, бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қорақал-

поқ халқи амалга оширилаётган ислохотлар самарасини узоқ келажакда эмас, балки бугун ҳис эта бошлади.

Энг қувончли воқеа

Қорақалпоғистон аҳолиси учун ниҳоятда муҳим ва долзарб муаммо, бу — ичимлик суви эди. Мазкур масала йиллар давомида ҳал этилмай келётганди. Бу инobatда олинб, 2017 йил 2 февралда Президентимизнинг "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Орадан роппа-роса беш ой ўтиб, "Қўнғирот-Мўйноқ сув иншооти қурилиши" лойиҳаси муваффақият-

ли амалга оширилди. Йирик гидрорешоот учун 26,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Жами 101 километрик қувур тортилиб, тумандаги хонадонларга зилзол сув кириб борди.

— Очиғи, одамлар шунча масофадан сув келтирилишига унчалик ҳам ишонмаганди, — дейди туман "Нуроний" жамғармаси раиси Жангабой Жусупов. — Лекин айтилган сўз ортиғи билан бажарилди. Мўйноққа гўё қайтадан ҳаёт қайтди. Ҳамма шундай хурсанд бўлдики, сув келган кунга ўша билан бир-бирларини табриклашди. "Бўлар экан-ку!" деган хитоблар янгради. Булар бежиз эмасди. Ахир обихаётнинг келишини аҳоли неча йиллар интизор бўлиб кутди. Ниҳоят, ораулар рўйга чиқди.



Янги концепция, янги ҳаёт ёндашув

Фаолиятимиз давомида халқ билан қилинган мулоқот, ўртага ташланаётган муаммолар таҳлили бугун ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи жуда кўплаб қонуности ва идоравий ҳужжатлар борлигини кўрсатди.

МУНОСАБАТ

Вазирлик ҳамда турли ташкилотлар доирасида марказдан қабул қилинаётган, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароити, амалиёт соҳасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур нормалар сабаб олиб борилаётган ислохотлар айрим ҳолларда олдинда эмас, аксинча жойида депсиниб туришига сабаб бўляпти. Шу маънода, Президентимиз томонидан имзоланган "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармон жамиятимиздаги ҳуқуқий муносабатларни янгиллаш, тартибга солиш ва умуман, қонуний ишлаб чиқар жараёнини тубдан ўзгартиришга ҳужжат бўлди.

Фармон ва унда белги-ланган янги тартиб-таомиллар норма ижодкорлигини ислох этишни назарда тутди. Ҳар бир соҳада

қонуни устуворлигини таъминлаш, амалга оширилаётган янгиллашларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, аввало, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" принципини изчил рўйбга чиқаришга қаратилган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантиришга хизмат қилади. Қонуни ижодкорлиги жараёни мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилади, унинг амал қилиш муддати аниқ белги-ланади. Қабул қилинаётган нормалар соҳадаги муносабатларни келгусида эмас, айнан бугун тўлақонли тартибга солиши, инсонлар ҳаётига, қўнғирот турмуш тарзига ҳақиқатан тезроқ кириб бориши талаб қилинапти.

Бунинг учун Фармонда жуда катта ўзгаришлар, янги тартиблар баён этилди. Аввало, соҳада халқаро тажрибанинг муваффақиятли ютуқларини шунчаки эмас,

балки чуқур таҳлил билан жорий қилиш назарда тути-лаётир. Бундан ташқари, замонавий қонуни ижодкорлигининг усуллари ва методологиясини ўзгариштириш, замон талабларига, халқаро меъёрларга мослаштириш хусусида тўқталинмоқда. Фармонга асосан, қонуни-ликни тизимлаштириш жараёнида халқаро ташкилотларнинг тақлиф ва тасвия-лари, кўриб чиқиши зарур бўлган халқаро шарт-номалар талаблари ҳамда мажбурий тартибда рияз қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий базадан чиқариб юборилмайдиган талаблар бўйича ягона оммабop рўйхат шакллантирилади.

Фармон билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ҳамда уни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Эндиликда норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш учун қонунилик базаси янада аниқ тизимга солинади, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга эътибор қўйилти-рилади. Ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш сифати ошади. Уларнинг ижроси устидан алоҳида

мониторинг механизми та-комиллаштирилади. Энг муҳими, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг самарали усулларини жорий этиш белгиленмоқда. Янги ҳар бир ҳужжат жамият тараққиётига гoв бўла-диган иллат — коррупцияга қарши экспертизадан ўтқа-зилади ва шунга асосан баҳоланади.

Бу халқимизга нима беради?

Авалламбор, қонуни ҳуж-жатлари меъёрлари адолат тамойиллари асосида қабул қилинишига эришилади. Манфаатлар кесимида жа-миётдаги ҳар бир фуқаро-нинг ҳуқуқ ва эркинлиги олий меъёр сифатида қара-лади. Қонуларнинг ягона ҳужжат сифатида бирдек амал қилишини, унинг иж-росини таъминлаш мақса-дида ташкилотлар томони-дан ўрни келганда ўнлаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинишига йўл қўйилмайди.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон — АҚШ: Савдо-иқтисодий алоқалар мустақамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг АҚШ Жанубий ва Марказий Осиё бўйича савдо вакили ёрдамчиси М. Линскотт раҳбарлигидаги АҚШ Савдо вакили офиси делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки томонла-ма муносабатлар тобора жа-даллашиб бораётгани қайд этилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жо-рий йил май ойда АҚШга тарихий ташрифи билан икки томонлама муносаба-тлар янги босқичга чиқди. Ташриф чоғида "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатла-ри: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёнот қабул қилинган эди. Ҳозир-да вақтда умумий ҳажми қарийб 5 миллиард доллар-лик келишувларни бажариш бўйича икки томонлама "Йўл хариталари" амалга оширил-моқда.

Тадбирда жорий йил ок-тябрь ойда Тошкент шаҳ-рида Марказий Осиё ма-млакатлари ҳамда АҚШ ўрта-сида савдо ва инвестиция бўйича ҳадли битим иш-тирокчи-мамлакатлари ан-жуманини (ТІФА) ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Минтақадаги савдо-инвести-ция муҳитини яхшилаш им-кониятлари ушбу анжуман-нинг бош мавзуси бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Қўшма кўмитасининг мажли-сини ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Амалий мулоқот руҳида ўтган учрашув якунида икки томонлама муносабатларга оид бошқа масалалар юза-сидан ҳам фикр алмашилди.

Қобил ХИДИРОВ.

Давлат бюджетининг олти ойлик ижроси — муҳокамада

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан "Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи атрофида муҳокама этилмоқда.



Меҳру эътибор касбга муҳаббатни оширади

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августда имзоланган "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўқитувчи-педагоглар, кенг жамо-атчилиқ, ота-оналар томонидан қувонч билан кутиб олинди.

ДИЛ СЎЗИ

Зеро, мазкур ҳужжат ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, ўқитиш сифатини яхшилаш, жамиятда ўқитувчи-ларнинг обрўсини оширишга қаратил-гани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада айрим юрдошларимизнинг фикрларига қулоқ тўтдик.

Шаҳноза ҚОСИМОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳибаси: — Жуда хурсанд бўлдим. Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаёт-

ган бу каби юксак эътибор ва ғамҳўр-лик айни пайтда жамиятда ўқитувчи-лик касбининг нуфузига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, ёш авлоднинг улуғ аждодларимизга муносиб тарзда вояга етишлари, энг аввало, ўқитувчи бераётган сабоқ, унинг изланиш ва ин-тилишига ҳам бевосита боғлиқ. Мен ўқитувчилик касбини ҳавас билан тан-лаганман. Аммо тан олиш керак, ўқитувчи меҳнатининг қадри пасайиб кетганди. Асосий вазифа четда қолиб, дала ишлари, ободонлаштириш юму-сларига жалб этиш одат тусига айла-ниб қолган эди. Энди эса Президентимизнинг ёш авлодга ғамҳўрликлари

боис бундай манзараларга қатъян чек қўйилди. Қарорда, шунингдек, ўқитув-чиларнинг маоши оширилиши, ҳудудий, республика ва халқаро фан олимпиа-даларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган пе-дагог кадрларга энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 50 баравари-гача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибининг жорий этилиши алоҳида қайд қилинганидан беҳад мамнун бўлдим. Айни пайтда билимдон, жамoат ишларида фаол, намунали хулқ эгаси бўлган битирув-чиларга олтин ва кумуш медаллар беришнинг йўлга қўйилиши ҳам оқило-на хулоса бўлибди. Рағбат ва эътироф фарзандларимизни илм олишга ишти-рқини ошириши мукаррар. Умуман, бундай эъзoс ҳамкасбларимизни фи-дийоликка, энг муҳими, ўғил-қизлари-мизни ҳақиқий ватанпарвар ва етук этиб тарбиялашга хизмат қилади.



2018 йил 1 сентябрдан умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари

- Бошланғич синф ўқитувчилари учун **1,1 баравар;**
- Юқори синф ўқитувчилари учун ўртача **1,24 бараваргача;**
- Директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирилари ҳамда кутубхоначилари учун **1,1 баравар оширилади.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

б) куйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлигига чет эл инвестицияси иштирокидаги қорхоналарга қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилга мuddатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган мuddатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок мuddатли ихарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига қонун ҳўжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги "Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3067-сонли қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳўқуқи берилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августга Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи эксперимент (кейинги ўринларда эксперимент деб қўрилади) ўтказиш тўғрисидаги тақрир қабул қилинсин;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида соддалаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгаллик, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳўқуқи асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция қилишуви асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулки объектларини, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажмидан қатъи назар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шериклики ҳорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига Ишчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари устав капитали (фонди)даги улушларини уларнинг баланс қиймати ва ходимлари сонидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қолиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шартли билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни ташкил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда ҳар бир туманда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қолиниши назарда тутилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пулик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини қуриш дастурларини тасдиқлаш;

энг юқори ихара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини тақлиф этган, асосан, йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тахрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ ҳудудларда жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар мuddатга ихарага бериш.

3. Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (А. Н. Арипов) зиммасига:
Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари ажратиш, давлат мулки объектларини реализация қилиш ва ихарага бериш бўйича қарорларини қабул қилиш учун кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш масаласини, шунингдек, амалга ошириш тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари ва давлат-хусусий шериклигининг асосий шартларини тежорлик билан қилиши ва маъқуллаш; вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экспериментни ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишга амалий кўмаклашиш бўйича фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш, бюрократизм ҳолатларига йўл қўймастик юзасидан тежор чоралар кўриш;

экспериментни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, эксперимент доирасидаги барча масалаларни тежор кўриб чиқиш ва улар юзасидан қилинишлар қарорлар қабул қилиш юклансин.

4. Шундан қарий ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор кўни ўтказилади, унинг доирасида, қанда тарихида, Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, ҳорийлик инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулки объектларини бериш бўйича инвестиция тақлифлари кўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сайтга жойлаштирилади;

инвестиция фаолиятини олиб бориш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилга мuddатга (лойиҳанинг мураккаблигидан қелиб чиқиб ўзайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шартли билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бериш томонидан бажарилганидан сўнг ер участкасига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳўқуқи расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва мuddатларга мувофиқ бажарилмаганда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади;

фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини ўз балансида сақловчилар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой мuddатда фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш, объектни аниқ ихарага олувчиларга бериш, аниқ инвестор (шерик)ни жалб этиш чоралари, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ мuddатлари ва молиялаштириш манбаларини назарда тутилган тақлифларнинг тақдим этилмаганлиги Тошкент шаҳри ҳокимининг фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини инвестиция қилишуви асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади;

кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари тақдим этиш, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўёбга чиқариш тақлиф этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан қилишиш ва маъқуллаш ўн иш кўни давомида амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан қилишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўн иш кўни давомида, шу жумладан, электрон шаклда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади, у мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин;

муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги зарур тақши мундарилик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджетга маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 октябрдан:
автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини қўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади, улар

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови ёки бошқа умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади;
автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматлари, жойлашувидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автоматотранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини қўрсатувчи юридик шахсларнинг тушумлари тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимига ҳорийлик инвестор томонидан қонун ҳўжатларида белгиланганидан қўшимча солиқ ва боғжона имтиёзлари ва преференцияларини бериш талаби қўйилмаган тақдирда 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳўқуқи берилисин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Хусусийлаштирилган қорхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК "САР" авиаконкомпаниясининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Райхон кўчасида жойлашган бинолари, ишонотлари ва бошқа инфратузилмасини уларга туташ 101,64 гектар майдон билан биргаликда кейинчалик топширилаётган объектлар негизда "Индустриал парк" кичик саноат зонасини ташкил этиш шартли билан қабул қилиш ва топшириш далоятномалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлигига бегараз бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилисин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:
а) бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий ҳोजабдорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш мақсадида туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда:

тегишли ҳудудларда мавжуд имконият ва шартлошни акс эттиришни назарда тутиадиган Тошкент шаҳри ва туманларнинг инвестиция паспортларини;

инвестиция жараёнларини бошқаришининг асосий мақсадларини, устувор тармоқларни ривожлантириш чораларини, маданий ва ижтимоий объектлар ҳамда атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини сақлаш билан боғлиқ чекловларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида ҳудудлар кесимида инвестиция муҳитини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, концепциянинг натижадорлигини тасвирловчи кўрсаткичларни;

масъул шахслар ва молиялаштириш манбаларини белгилаш ҳолда инвесторларни аэропортлар, вокзаллар, ташир буюриш объектларига қутиб олиш, қуатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур транспорт ва техника воситалари билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари фаолиятини жадаллаштириш, бўш турган ер участкаларидан мақбул тарзда фойдаланиш, улар негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича, зарур ҳолларда Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳри Олмасор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманларига туташ ҳудудларида Тошкент шаҳрининг янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳар бирининг майдони 20 гектардан кам бўлмаган ер участкаларини ажратишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) бир ой мuddатда Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, улар уринбосарларининг салоҳиятли инвесторларни жалб этиш, ҳорийлик ҳамкорларга инвестиция салоҳияти ва бизнес юритиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун учрашув ва музокаралар, шу жумладан, ҳорийлик мамлакатларга сафарларнинг календарь режасини ишлаб чиқсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж. А. Артиқходжаев зиммасига:
инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан шахарсозлик регламентлари ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича талабларга риоя этилиши;

юклатилган вазифа ва функцияларни сўзсиз, ўз вақтида

ва сифатли бажариш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, бунда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигига ўз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиш, ҳолислик ва очиклик принципларига риоя этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш;

эксперимент доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбалари билан таъминлаш;

ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисми, маданий мерос объектлари ва атроф-муҳит қулай экологик ҳолатининг сақланиши, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, манзарали дарахтлар ва гуллар эккан ҳолда яшил ҳудудлар барпо этиш, дарахтлар ва ўсимликларни ноқонуний кесилишдан ҳимоя қилиш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли қонунбузарликлар (дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, маданий мерос объектларига зарар етказиш ва бошқалар) билан боғлиқ фуқаролар мухожатлари ва шикоятлари бўйича тежор чоралар кўриш юзасидан масъулият юклансин.

10. Ишчи гуруҳ (А. Н. Арипов, С. Р. Холмуродов) Ишчи гуруҳ кўн тартибига киритилаётган масалаларнинг тежор кўриб чиқилишини, шунингдек, юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой мuddатда турароқ зонасида жойлашган объектларни қайта иқтисослаштиришга рухсат бериш тартибин тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин, бунда уй-жой ва меҳмонхона ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим объектларини, болалар муассасалари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуришининг ўзига хос хусусиятлари ва зарурати ҳисобга олинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш қизмати;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда экспериментнинг амалга оширилиши устидан ташричан назорат ва мониторинг ўрнатсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда эксперимент натижалари юзасидан ушбу Фармоннинг амал қилишини республиканинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш бўйича тақлифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар ойда ушбу Фармонга мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда кўмаклашиш тасвия қилинсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу Фармоннинг ҳодалари, мавжуд имкониятлар, инвестиция қилишувларини амалга ошириш натижалари ва давлат-хусусий шериклигининг афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи уринбосари Б. М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж. А. Артиқходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 15 август

Янги концепция, янгича ёндашув

Олдингидан фарқи равишда энди қонуности ҳўжжати парламент назоратини амалга ошириш қўйи палатининг устувор вазифаси сифатида депутатлар корпуси диққат марказида бўлиб қелгани таъкидланди.
Ийгилишда мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2018 йил биринчи ярмида ҳам даромадларнинг бир маромда туширилиши ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш орқали Давлат бюджети 144,3 миллиард сўм (ёки янги ички махсулотга нисбатан 0,1 фоиз) миқдорида профицит билан ижро этилиши таъминлангани айтилди.
Иштирокчилар томонидан бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ айрим камчиликлар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблагни ишлатиш билан боғлиқ молиявий ҳўқуқбузарликларга йўл қўйилгани, баъзи тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётгани оқиба-тада дебиторлик ва кредиторлик, айди-никса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг юзага келаётгани таъкид қилинди.
Мажлис давомида депутатлар ва зирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳўқуқий базани тақомиллаштириш, маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини кучайтириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг қелу-си давр учун вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назорати-ни амалга оширишда халқ депутатла-ри маҳаллий Кенгашилар билан ҳам-корлик юзасидан вазифаларни белги-лаб олинди.
Шунингдек, Давлат солиқ ва Божжона қўмиталари вакилларининг ҳамда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида-ги бошқа ҳўжалик бирламаларининг Давлат бюджетни даромад қисми ижро-си тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.
Ийгилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар асо-сида қўмиталарнинг тегишли қарорла-ри қабул қилинди.

Мунисон КАРИМОВА.
ни ишлаб чиқиш жараёни-ни мониторинг қилиш бўйича идораларо электрон ҳамкорлик ишга ту-шадди.
Қонунчилик ташаббуси-га эга субъектлар Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасига қонун лойиҳасини киритаётганда унга қонун-нинг ижроси юзасидан қонун ва қонуности ҳўж-жаларини тақомиллашти-риш, ташкилий-техник чора ҳамда қонуннинг мазмуни ва моҳиятини кенг тарғиб этувчи чора-тад-бирлар режасини илова қи-лади. Бунда чора-тад-бирлар режаси Олий Маж-лиси Сенати томонидан қонун маққуланганда бир-га тасдиқланади ҳамда парламент палаталари то-монидан ижроси назорат-га олинади. Демак, биз, сенаторлар зиммасига ҳам бу жараёнда янада фа-олроқ бўлиш, норма иж-дорлиги билан бирга, унинг ижроси устидан са-марали парламент назорати-ни амалга оширишни ҳам талаб қилади.
Умуман, эндиликда нор-ма ижодкорлиги жараёнига фуқаролар, фуқаролик жа-мияти институтлари, нодла-ват нотижор ташкилотла-ри, оммавий ахборот воси-талари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан ва-киллари кенг жалб этилади.

1

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар қатнашган йиғилишда тақдим этилган ҳисобот партиянинг сайловотида платформасида белгиланган вазифалардан қелиб чиқиб муҳокима қилинди.

Йиғилишда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда солиқ-бюджет сифати соҳасидаги, хусусан, солиқ маъмуриятчилигини ва бюджетларро муносабатларни тақомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш борасидаги комплекс чора-тадбирлар натижасида 2018 йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилгани таъкидланди. Янги 144,3 миллиард сўм ёки янги ички махсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Фракция аъзолари фикрича, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шартинини янада яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурлар ўз вақтида, тўлиқ молиялаштирилган.

Маданият вазирлиги томонидан маданий мерос объектлари муҳофазасини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида Давлат бюджетидега қўзда тутилган маблағларнинг атиги 30 фоизи ўзлаштирилганлиги, ушбу ма-салда вазирлик етарли даражада иш-ламаётганига эътибор қаратилди. Де-путатлар Маданият вазирлиги томо-нидан 2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновация қонунлари ва технологиялар-ни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастуридаги вазифалар ижроси вақти-да таъминланмаганлигига эътироз бил-дирдилар.

Муҳокамалар давомида депутатлар бюджет муассасаларида Давлат бю-джети маблағларидан фойдаланиш ахво-ли юзасидан ўтказилган текширишлар-да қатор хато ва камчиликлар аниқ-ланганига ҳам эътибор қаратди.

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида қайд этилганидек, Давлат бюджети да-ромадлари ўтган йилнинг соқ даври-дагига нисбатан 47,7 фоиз ўсиб, бел-

гиланган режа ортиги билан, яъни 117,2 фоиз бажарилган. Бюджет да-ромадларининг янги ички махсулотда-ги улуши 21,7 фоизни ташкил қилди.

— Мамлакатда олиб борилаётган ва-люта сиёсати ва тақши савдо фа-олиятини тақомиллаштириш бўйича ҳу-кумат томонидан қўрилган чора-тад-бирлар иқтисодиётимизга ҳорийлик инвес-тицияларни кенг жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий те-хнологияларга асосланган ишларни та-ш-кил этишга хизмат қилмоқда, — дейди

сида 21706,8 миллион сўм миқдорида молиявий хатолликлар, 4692,5 миллион сўм миқдорида пул маблағлари ва мо-дий бойликлар қамомати ва ўзлашти-ришлар ҳамда 17014,4 миллион сўм миқдорида ноқонуний ҳаражатлар аниқланди. Айниқса, бу камчиликлар-ни ижтимоий соҳада, яъни Халқ таъ-лими, Соғлиқни сақлаш, Маданият, Қишлоқ ҳўжалиги ва Сув ҳўжалиги ва-зирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таъ-лими маркази тизимларида кўриш мумкин.

Шунингдек, партия дастурий мақса-дидан қелиб чиқиб, илм-фани ривож-лантиришни қўллаб-қувватлашга йўнал-тирилган маблағлар ижроси ҳам қўри-лди. Бугунги кунда мамлакатимизда мав-

саларини сақлаш ва уларни ривожлан-тириш ҳаражатларида Давлат бюдже-тидан 9 586,9 миллиард сўм ажратил-ди. Ижтимоий ҳаражатларнинг асосий қисмини ташкил этган мазкур маблаг қай даражада мақсадли ишлатилга-ни депутатлар томонидан муҳокима қилинди.

Шунингдек, партия дастурий мақса-дидан қелиб чиқиб, илм-фани ривож-лантиришни қўллаб-қувватлашга йўнал-тирилган маблағлар ижроси ҳам қўри-лди. Бугунги кунда мамлакатимизда мав-

Давлат бюджетининг олти ойлик ижроси — муҳокамада

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Нилуфар Саидхаметова. — Хусусан, замонавий хизмат турларини кенгайтириш, туризм салоҳиятини ошириш, кичик бизнес субъектларини салмоқининг ортиши ҳисо-бига микрофирма ва кичик қорхона-лардан Давлат бюджетига тушум-лар миқдори 1109,3 миллиард сўмини ташкил қилдиб, 2017 йилнинг ушбу да-вридагига нисбатан 39,7 фоиз ўсган.

Яна бир рақам: 2018 йилнинг би-ринчи ярми давомида кўчмас мулк объект

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қўтлуғ қадамнинг ҳаётбахш натижалари

1 →
Мазкур бунёдкорлик ишини "Ўзбекистон темир йуллари" акциядорлик жамиятига қаршли "СПМС" махсус кўча механизациялашган станцияси курувчилари сифатли уддалашди.

— Ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўладими, — дейди меҳнат фахрийси Улбосин Артикова. — Айниқса, биз, мўйноқликлар бу ҳақиқатни янада теранроқ англаймиз. Уйимиздаги жўмрақлардан сув оқа бошлаган кун ҳаётимиздаги энг қувончли воқеа бўлди. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз. Бу гаплар бошқаларга эриш туйилар балки. Бошқа шаҳарларда, пойтахтда яшайдиганлар ошхонасидаги, ваннадаги сувни бемалол ишлатишади. Ичимлик суви билан экин сўғрадиганларни ҳам кўрганмиз. Аммо биз ичимлик



— Бу каби корхоналарда ишлаш биз, қорақалпоқ ёшлари учун улкан оруз эди, — дейди оператор Дамир Қаллибеков. — Утган йили Нукус ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битириб, шу жамоа сафига қўшилдим. Касб сирларини тез ўзлаштирдим. Ҳозир илғор технологиялар ёрдамида замонавий маҳсулот ишлаб чиқариётганимдан, бу билан юртимиз ривожига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.


Хўжайли туманида ташкил этилган янги агросаноат ва логистика марказида ҳам бугун иш қизгин. Шу йил сентябрь ойида фойдала-



сувини, эрталаб юзимизни ювадиган сувни пулга сотиб олардик, бу ерларга машинада олиб келишларини кун санаб кутардик. Энди бу заҳматлар ортда қолди. Шунинг учун ҳам ҳар қатрасини қадрлаймиз.

Мўйноқ тумани аҳолиси учун бебаҳо тўхфа бўлган ушбу иншоот бир кеча-кундузда 7 минг куб метргача тоза ичимлик суви ётказиб бера олади.

Маълумот учун айтиш жоизки, Инвестиция дастурига мувофиқ, бюджет маблағлари ва Оролбўйи ҳудудларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мавжуд сув тармоқлари реконструкция қилинди ва янгиланди. Шу тариха 35 та аҳоли пунктида истиқомат қилаётган 50 мингдан зиёд одамлар обихаёт билан таъминлангани лойиҳанинг улкан аҳамиятини кўрсатади. Бу борадаги ишлар яна давом эттириляётгани қувонарлидир.



нишга топширилиши режалаштириляётган марказда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ун бир гектар майдонни эгаллаган ушбу "Хўжайли Агросаноат Маркази" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ишлари амалга оширилади. Бу ерда терминал, юк тушириш ва ортши майдони, улкан музлаткичлар ва бошқа ёрдамчи иншоотлар барпо этилмоқда.

— Қиймати 69 миллиард сўмлик мазкур лойиҳанинг минтақа иқтисодийотидаги аҳамия-

«Ноль»дан миллиардлар яратилмоқда

Қайд этиш жоизки, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 4,5 триллион сўм бўлган 1 минг 300 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилади ва қарийб 10 минг иш ўринлари яратилади. Жумладан, саноат тармоқларида қиймати 492 миллион долларга тенг 232 инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилади.

Нукус шаҳридаги "Nukus-Remtash" масъулияти чекланган жамияти — ана шундай замонавий саноат мажмуаларининг дастлабкиси. Корхонага кирверишда: "Ушбу маъиш техника воситаларини ишлаб чиқариш заводи Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 январдаги Қорақалпоғистон Республикасига таърифи давомидида ташаббуси асосида барпо қилинди. 2017 йил 14 октябрда завод дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди" деган ёзувни қўриб, қалбингизда ифтихор туйғусини ҳис қиласиз.



ти бекиёс, — дейди корхона масъул ходими Қувват Халмуратов. — Зеро, корхона Оролбўйининг экспорт салоҳиятини юксалтириш билан бирга, аҳоли дастурхонини йил давомида сархил мева-сабзавотлар билан улуқсиз таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган марказда 150 нафар йигит-қизинг банд-

лиги таъминланади. Бу ерда соатига 1 тоннагача мева-сабзавот қадоқланиши баробарида 500 килограммгача табиий шарбат тайёрланади. Шунингдек, 2 тоннагача дуккаки дон маҳсулотлари сарланади.

— Минтақамизда шу пайтга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорга чиқарадиган йирик корхона йўқ эди, — дейди иш юритувчи Руслан Базарбаев. — Шу боис қорақалпоғистонлик миришкорлар томонидан етиштириляётган мева-сабзавот маҳсулотлари далаларда нобуд бўляётганди. Ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши эса буларнинг барчасига чек қўяди.

«Бизга бўлаверади» деган гаплар энди ярашмайди

Ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида гап кетганда, албатта, "Обод қишлоқ" дастури хусусида алоҳида тўхталмасликнинг илоҳи йўқ. Чунки у орқали энг чекка овул ва қишлоқларда ҳам одамлар яхши яшаш нимагини ҳис эта бошлади.

Масалан, мазкур дастур асосида Оролбўйидаги ҳар бир туманда иккитадан қишлоқ танла олиниб, уларда улкан бунёдкорлик-ободлаштириш ишлари амалга оширилди. Қисқа фурсатда қарийб 142 минг аҳолининг фаровон яшаш учун зарур шароитлар муҳайё этилди. Ушбу мақсадлар учун 215 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилгани ҳам қилинган ишлар салмоғидан дарак беради.

Тахиташ туманининг "Найманқўл" ва "Кенегес" овул фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Дастурга мувофиқ, 4522 нафар аҳоли яшайдиган ушбу ҳудудларда жами 10 миллиард 903 миллион сўмлик қурилиш ва ободлаштириш ишлари бажарилди, — дейди туман бош меймори Отабек Машарипов. — Жумладан, автомобиль йўлларини таъмирлаш, иж-



тимой инфратузилма объектларини бунёд этиш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш ишлари босқичма-босқич қизгин олиб борилмоқда.

Ёши улғу инсонларнинг айтишича, Найманқўл ва Кенегес қишлоқлари ҳудуди қадимда тўқайзорлардан иборат бўлган экан. Бугун ушбу ҳақиқатга ишониб қийин. Зеро, бу ерларда қўрқам уй-жойлар, замонавий корхоналар қад ростлаган.

Амалга ошириляётган бунёдкорлик ишларида аҳоли вакиллари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шу кунга қадар режа қилинган 17,5 километрлик электр тармоғининг 12 километри қурилди; иккита трансформатор пункти янгидан бунёд этилиб, оплитаси мукамал таъмирланди. 3,5 километрлик газ тармоғининг 3,2 километри таъмирланиб, 17,3 километрлик ичимлик суви тармоғининг 13,8 километри қуриб битказилди.

Махсус комиссия ҳудуддаги 783 хонадоннинг аҳолини яқиндан ўрганиб, одамларни иш билан таъминлаш, банкдан кредит олишда ёрдам бериш, тураржойларни таъмирлаш,



қишлоқ қиёфасига ярашмайдиган ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш каби ишларни изчил амалга оширмоқда. Бугунги кунгача 232 хонадон таъмирланиб, 57 та ноқонуний қурилма бузиб ташланди. Эллиқдан зиёд хонадон соҳибларига банкнинг 564 миллион сўмлик кредити ажратилиб, уларнинг уй шароитида касаначилик билан шуғулланишлари учун имконият яратилди.

— Бу эзгу ишларнинг ташаббускорига минг раҳмат, — дейди найманқўллик оқсоқол



Ўрозбой Юсупов. — Уйларимиз таъмирланган, йўллар асфальтланган, қўчаларимиз кечалари ёруғ. Айниқса, ҳар бир хонадонга ичимлик суви кириб боргани мушкулимизни осонлаштирди. Бундан қишлоқдошларимизнинг қувончи чексиз.

Ҳудуддаги 11-умумтаълим мактаби "Техника сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан капитал таъмирланмоқда. Таълим му-



ассасаси директори Ўринбой Болиевнинг айтишича, ёзги таътил даврида ушбу ишлар бошлаб юборилгани айтиш мумкин бўлди. Бинобарин, болалар янги ўқув йилини замонавий қиёфа касб этган жонаҳон мактаби бағрида бошлашга қандай яхши.

Кеулумжай Адилбаев, Гулжан Гонрадова, Мукаррама Жумамуратова, Тўлқин Рўзимов

каби тадбиркорлар ҳам ушбу ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар замонавий инфратузилма объектларини бунёд этиш, одамларни доимий иш билан таъминлашдек хайрли амалларни рўёбга чиқармоқда.

Аэропортнинг янги қиёфаси

Аэропорт — юртимизга биринчи бор ташриф буюрган хорижликларга мамлакатимиз ҳақида илк тасаввурни шакллантирадиган маскан, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Бугун Нукус халқаро аэропортига келган киши бу ердаги улкан ўзгаришларни қўриб, хайрат ва таассуротлар оғушига чўмиши, табиий. Боси, ушбу масканда яқинда кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу ерда меҳмонларга халқаро андозалар талаб-



лари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилди. Натижада соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди.

Бугун Нукус халқаро аэропорти ҳар қандай русумдаги самолёт ва вертолётларни қабул қила олади. Зеро, уч минг метр узунликдаги аэродром, учинч-қўниш йўлига, халқаро талабларга мос замонавий ёритиш, товушли ва аэронавигация ускуналари ана шундай қўлайлик яратмоқда.

Терминал йўловчилар ва уларнинг юкларига халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконини берувчи энг замонавий техникалар билан таъминланган, — дейди аэропортнинг йўловчиларни ташқи хизмати бошлиғи Қонис Нуратдинов. — Бинода авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш учун замонавий муҳандислик жиҳозлари ўрнатилган. Хусусан, парвозолди назорати ва юк ортши майдонлари кенгайтирилиб, рўйхатдан ўтиш устунлари қўпайтирилди. Маҳаллий ва халқаро авиайўналишлар учун йўловчилар зали, оналар ва болалар хонаси, тиббиёт пункти, валюта айирбошлаш шохобчалари, сувенир дўконлари, кафе-бар йўловчиларга туну кун хизмат кўрсатади.

Таъкидлаш керакки, янги терминал дизайнини ишлаб чиқишда ҳудуднинг иқлим шароити ҳам ҳисобга олинган. Йўловчи ўтказиш ҳамми ва хизмат кўрсатиш даражаси тезлашди. Бу сайёҳлар ва хорижий авиаконанияларни жалб этиш, янги йўналишлар очишда муҳим омилдир.

— Ҳозиргина Москвадан учиб келдим, — дейди нукуслик Светлана Аймураева. — Нукус аэропортининг замонавий қиёфасини қўриб,



қисқа муддатда бу даражада ўзгариб кетганидан жуда хайратландим, хурсанд бўлдим. Эзгу ишлар давом этaverсин!

Ўзгалар кўнглига йўл топиб, уни хурсанд қилиш қанчалик қийин ва мураккаб иш. Президентимиз раҳнамолигидаги савий-ҳаракатлар халқимиз кўнглига ёруғлик олиб кириш, унинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлidir. Бунинг амалий самараларини биргина Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилляётган илоҳотлар ва унинг натижалари мисолида кўрдик. Демак, белгиланган юксак мақсадларга эришиш қанчалик машаққатли бўлмасин, у шараф билан уддаланмоқда.

Юнус БҮРОНОВ, Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Суратлар «Халқ сўзи» фотожаммасидан олинди.

Инвестиция дастурига мувофиқ, амалга оширилган ишлар натижасида Оролбўйи ҳудудидаги **35** та аҳоли пунктида истиқомат қилаётган **50** мингдан ортиқ кишилар обихаёт билан таъминланди.

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 4,5 триллион сўм бўлган 1 минг 300 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилади ва қарийб 10 мингта иш ўринлари яратилади.

«Обод қишлоқ» дастури асосида Қорақалпоғистон Республикасида қарийб **142** минг нафар фуқароларнинг фаровон яшаш учун зарур шароитлар яратилди. Ушбу мақсадлар учун **215** миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Нукус халқаро аэропорти реконструкция қилинганидан сўнг, бу ерда соатига **400** нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди.

1

Дилфуза УМАРОВА, Жалакдўқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими:

Инсон қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, фидойи бўлмаса, кўзлаган мақсадига эришиши қийин. Жонқуяр, билимдон, юксак ақл-заковатли мутахассислар эса соҳа ривожига улкан ҳисса қўшишлари тўғрисида гап. Шунга қўра, энди ўқитувчилар ўз қобилиятларини тўла ишга соладилар, касбий маҳоратларини янада такомиллаштирадилар. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўқитувчининг обрўсини юксалтириш, болаларнинг таълим-тарбияси, мактаблардаги аҳвол ҳақида ҳар доим тўхталади. Мазкур қарор ана шу йўлдаги орзу-умидларимизни ўзида тўла муҷассам этган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳар бир инсон яхши шароитда ишлагиси келади. Шу маънода, бугун биз, ўқитувчилар учун барча қўлайлик яратилди. Очиги, ўқитувчини уй-жой билан таъминлаш, уларга автокредитлар ажратилиши туши-

мизга ҳам кирмаган эди. Қарорга биноан ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган арзон уй-жойларнинг бир қисmini халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молия-

дай дориларон кунларда яшаётганидан, истиқлол фарзандларига сабоқ бераётганидан фахрланаман.

Зокиржон МУҚИМОВ, Ёқидувон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, "Шухрат" медали соҳиби:

— Хужжатни ўқи, бошқа ишининг

қилиш, уларни ўз вазифасидан чалғитмаслик ҳақидаги қарори эса тақдир тақозоси билан ўқитувчиликни ташлаб кетишга мажбур бўлган ҳамкасбларимизнинг фикрини бутунлай ўзгартириши шубҳасиз.

Малика ИБРАГИМОВА, Зангиота туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактаби директори:

— Ўқитувчининг асосий вази-фаси сабоқ бериш. Шундай экан, уларнинг бошқа юмушларга жалб этилиши таълим сифатига ҳам, давоматга ҳам кескин таъсир қилади. Кўз олдингага келтиринг: ўқувчи мактабга келсаю, устози дала ишларига чиқиб кетса — бу нима деган гап? Биринчидан, у бекор қолади. Дарс ўтилганидан фойдаланиб, бошқа нарса ўйлаб топади. Уйда эса ота-онасини ҳам мактабда эдим, деб алдайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундай ҳолатларга барҳам берилди. Бундан жуда хурсандимиз. Мазкур қарор ўқитувчининг замони келганини, таълим сифатини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини ифодалагани билан тарихий аҳамиятга эга.

Улкан ўзгаришлар ва таассуротлар

Серқирра ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон нафақат дилбар шەърлари, балки турли даврларда матбуотда чоп этилган мақола, очерк, эссе ва бошқа публицистик жанрлардаги чиқишлари билан ҳам юртдошларимиз хурматига сазовор бўлган.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

Унинг бугунги кунда Фарғона вилоятида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, меҳнат аҳли кайфиятидаги кўтаринкиликни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов билан гойибона суҳбат шаклида моҳирона тасвирлаган эссе-сафарномалардан иборат "Фарғоналиклар" китоби ҳамюртларимизга тўхфа бўлди.

Бу китобнинг яна бир ўзига хос жиҳати, унинг Президентимизнинг ўтган йили 3 августда ижодкор зиёлилар билан бўлган анжуманида адибларимизни жойларда бўлаётган юксалишлар, замонамиз қаҳрамонига айланаётган фидойи



Анвар Обиджон
ФАРҒОНАЛИКЛАР
инсонлар ҳаёти ҳақида асарлар ёзишга давлатидан руҳланиб яратилганидир. Китоб йиғирматга мустақил эсседан таркиб топган.
Д. ЙЎЛДОШЕВ.

Миллий кинематография: Имконият ва шароит яратилди. Навбат — ишончни оқлашга



Шу боис миллий кинематографияни янада ривожлантириш долзарб масалалардан бири. Ҳўш, юртимизда кино санъатини тараққий эттириш, соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш ҳамда халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар олиб боришмоқда? Халқро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида шу каби масалалар муҳокама қилинди.

Ташкилланганидек, мамлакатимизда барча соҳа қатори кинематографияни янада ривожлантириш бўйича ҳам улкан қадамлар ташланапти. Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", жорий йил 24 июлдаги "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорлари бу борада муҳим дастурийлаш бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбари

га мўлжалланган кинолойиҳалар танлови эълон қилинди. Олдинги йиллардаги танловлардан фарқи уларақ, бу йилги тематик режада тарихий мавзудаги кинолойиҳалар саноқли ўрин эгаллади. Жорий йилнинг июнь ҳолатига қўра, Бадий кенгаш томонидан тасдиқланган 23 та бадий фильмдан ўн биттаси тарихий мавзуда. Буюқ муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ҳақида "Имом Абу Исо Термизий", мўғул босқинига қарши курашган аждодларимиз қаҳрамонлигини ҳикоя қилувчи "Элпарвар", Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ва унинг турмуш ўртоғи Саида Зуннунованинг пок муҳаббати ҳамда аччиқ қисматиға бағишланган "Саид ва Саида", Иккинчи жаҳон уруши воқеалари, унда ўзбек халқининг мардондорлигини таранум этувчи "Берлин — Окўброн" каби кинолойиҳалар шулар жумласидандир. Замондош қаҳрамонларнинг бадий талқинини яратиб, уларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш мақсадида давлат буюртмасига асосан, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган фожиа натижасида юзага келган тахликали вазиятда экипажни қутқара олган ўзбек учувчиси Зархўжа Саидазимов қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилувчи "101-рейс", 2000 йилдаги

Узун ва Сароисийё воқеаларига бағишланган "Евқурлар", мўйноқлик ногирон қизнинг матонати ҳақида "Тақдир поёзиди", томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган "Барон" фильмининг мантиқий давоми бўлган "Барон-2" каби фильмларни суратга олиш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Хивада катта ислохот ўтказган маърифатпарвар ваиз Исмоилхўжанинг фойдаланилиши ҳақида "Исмоилхўжа" бадий-публицистик фильмининг тасвирга олиш ишлари якунланди, катта экранлардаги намойишига тайёргарлик қўрилмоқда.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан 2017-2018 йилларда турли мавзу ва йўналишларда 64 та фильм тасвирга олинмоқда. Шулардан 23 таси тўлиқ метражли, 4 таси қисқа метражли, 26 таси хужжатли, 7 таси мультимедия фильм ва "Зумраша" болалар ҳажвий киножурнали тўламлиридир. "Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси" ДУК томонидан тарихий, иқтисодий-ижтимоий, ҳарбий-ватанпарварлик, илмий-маданий жараёнларни ёритувчи, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган, ҳаёт йўли ёшларга намуна бўладиган замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи хужжатли фильмлар суратга тушириляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда 2017 йил 29 декабрда "Ўзбекино" МА раҳбарияти ҳамда киноижодкорлар ҳисоботини қабул қилиш жараёнида берган таъсия ва тақлифлари асосида "Кино санъати" номи журналнинг илк сони тайёрланди.

Ўтган давр мобайнида агентликда Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозғистон, Туркия, Япония, Чехия, Польша, Словакия каби мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчхоналари вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Қирғизистон киноижодкорлари билан ҳамкорликда "Сарвқомат дилбарим", Хиндистоннинг "Dev entertainment" компанияси билан ҳамкорликда "Шоду хурамлиқ" каби бадий фильмлар суратга олиш ишлари бошлаб юборилган. Шунингдек, Беларусь Республикаси, Польша Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва Европа иттифоқи кинеси кунлари ҳамда Гёте институтининг (Германия) "Шум бола — 2018" болалар ва ўсмирлар кинофестивали муваффақиятли ўтказилди. Қозғистоннинг Тараз, Хиндистоннинг Деҳли, Мумбай ҳамда Калкутта ва Туркманистоннинг Ашхобод шаҳарларида "Ўзбек киноси" кунлари доирасида миллий кинонамуналар намойиш қилинди.

Самарқандга саёҳат



Ички туризм

Юртимизнинг туристик салоҳияти ниҳоятда юқори. Республикаимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ҳамда бетақрор архитектура намуналари борлиги бунинг яққол далилидир. Бундан ташқари, ўлкаимизнинг қулай иқлим шароити, сўлим табиати, бой миллий маданият ва санъатга эга экани зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни ривожлантириш имконини беради.

Президентимизнинг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантириш ташминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори иқтисодийнинг стратегик тармоғи мақоми берилган мазкур соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда.

Гап шундаки, ушбу хужжатга биноан, мамлакатимизда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" ички туризмни ривожлантириш дастури ҳаётга татбиқ этиляпти. Натижада юртимиз аҳолиси, корхона ва ташкилотлари жамоалари учун қадимий шаҳарлар, муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Хусусан, "Ўзмилийбанк" ёшлар кенгаши ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида мазкур банк тизи-

мида фаолият юритаётган 30 нафардан зиёд ёш ходимлар учун қадимий ва ҳақиқат навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Улар Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда, Улўбек расадхонаси, Регистон майдони каби муқаддас қадамжоларни, Ҳазрати Хизр масжиди, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қабрини зиёрат қилдилар.

Шунингдек, сафар давомида "Ўзмилийбанк" Самарқанд бўлими ва филиалларининг ёш ходимлари билан учрашув ташкил этилди.

Банк матбуот хизмати.

Тадбиркорлар ва мулкдор бўлиш истагидаги шахслар диққатига!

«Асака» АТБ ҳамда «New estate action» МЧЖ

2018 йил 14, 21, 28 сентябрь ва 5 октябрь кунлари соат 12.00 да қуйидаги шартларда сотилиши белгиланган мол-мулкларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли орқали олди-сотди шартномаси тузишни тақлиф этади.

Мулк номи: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Зафаробод» ҚФЙ, «Шарқ» МФЙ, Шарқ кўчасида жойлашган (собиқ «YUTM-PARRANDA» МЧЖга қарашли), 126,3 гектар ер майдониға эға бўлган, 235 та бино ва иншоот ҳамда уларда сақланаётган 53 турлидаги мол-мулклар мажмуаси.

Сотиб олиш учун тақлиф қилинаётган баҳо — 100 000 000 000 сўм.

Тўлов шартлари ва тартиби: тўловлар 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин. Аванс тўлови жами баҳонинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, олди-сотди шартномаси тузилган санадан бошлаб 10 календарь кун мобайнида тўлаб берилиши лозим. Қолган 50 фоизи тўлов олди-сотди шартномасининг иловаси билан, келишиб олинандиган жадвалға кўра тўлаб берилади. Олди-сотди шартномаси бўйича қарздорлик қолдигининг қўчмас мулк қисмиға йиллик 7 фоизгача банк фоизи ҳисобланади. Ушбу фоизни сотиб олувчи мулкнинг асосий қийматиға қўшиб тўлаб бериши лозим.

Бошқа шартлар: харидор банкнинг бош офиси билан келишган ҳолда мулкий мажмуани банк фойдасига, яъни наф олувчи сифатида банкни қўрсатган ҳолда олди-сотди шартномаси амал қилишининг тўлиқ муддатига бир маротабалик тўлов орқали суғурталашни шартнома имзоланган санадан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун мобайнида амалға ошириш мажбуриятини ўзиммасига олади.

Мулк ҳуқуқи олди-сотди шартнома суммасининг 100 фоизи харидор томонидан тўланганидан сўнг берилади.

Бундан ташқари, сотиб олувчиға мулкий мажмуаниннг сотилиш баҳосидан бир фоизи миқдоридаги хизмат ҳақини савдо ташкилотининг ҳисоб рақамиға тўлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Шартнома тузишнинг барча тегишли шартлари мулкни сотиб олиш истагида бўлган шахс ҳамда мулкдор вакиллари иштирокида Узаро музокаралар ўтказиш йўли билан белгилаб олинади.

Шартнома тузиш бўйича барча тегишли шартлар тўлиқ келишиб олинганидан кейин мулкни сотиб олишға талабгор шахс 20 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш учун талабгорлар савдо ташкилотининг билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «New estate action» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Мулк ва унга оид хужжатлар билан танишиш учун талабгорлар қуйидаги манзилларға мурожаат қилишлари мумкин:

- «Асака» АТБ манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.
- «New estate action» МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-11. Факс (0-371) 254-69-13.

Хизматлар лицензияланган.

Барча лойиҳа корхоналари раҳбарлари диққатига!

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
Тошкент шаҳар минтақавий филиали

Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Богиншамол кўчаси, 282-уйда
ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН БАНК ФИЛИАЛИ
бизнеснинг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар 2018 йил 24 август куни соат 17.00 гача қабул қилинади.

Тел.: (0-371) 150-77-02, (+99898) 115-07-34.

ООО «Butlash Garant Servis»
предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетоносмеситель гравитационный МС-200

Технические характеристики:
МС-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетоносмеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конституция палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўзғаткичи А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахриратта келган кўбамалар тақриб қилинмайли ва муаллифга қайтарилмайли.
Газетанинг отқазиб берилаши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида териял ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатан чоп этилишига «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жошқонов.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусахҳиҳ — С. Исмомов.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 00.00 Тоширилди — 00.50 1 3 4 5 6